



# Ishonch

2016-yil  
4-avgust,  
payshanba

№ 91  
(3752)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Япония делегациясининг ташрифи

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2016 йил 3 август кунини Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акиэ Абэ ҳамда япон маданият ва санъат намоёндаларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида Япония Бош вазири рафиқаси Акиэ Абэни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова кутиб олди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июл ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил феврал ойида Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Токиода буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Тошкентда Япон боғи ташкил этилгани, Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуринда халқаро маданият карвонсаройига японийлик олим ва мусаввир Икуо Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги ифодасидир.

Делегациянинг ташрифи давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япон аскарлари дафн этилган хотира мажмуасини зиёрат қилиш, Ўзбекистон Амалий санъат музейи билан танишиш, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Япониянинг «Драм Тао» ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилиши белгиланган.

ЎзА

Наманган шаҳридаги «Истиқлол дизайн маркази» масъулияти чекланган жамиятининг юқори сифатли тикувчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаган.

Корхонада катталар ва болалар костюми, кўйлак, куртка, пиджак сингари 40 турдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилади. Бу ерда меҳнат қилаётган 140 ишчи-ходимнинг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

— Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар самарасида корхонамизнинг экспорт салоҳияти ортмоқда, — дейди корхона раҳбари Мурод Қурбонов. — Жорий йилнинг ўтган даврида 510 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Мустақиллик берган имконият

## Экспорт ҳажми ортмоқда



ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

### Хабар

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари — фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раисларининг ўқув-семинарлари ташкил этилди.

### Маҳалла фаоллари ўқув

Дастлабки ўқув-семинар пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ўтказилди. Унда тумандаги мавжуд 57 маҳаллада фаолият кўрсатаётган 342 комиссия раиси иштирок этди. — Мақсуд семинар маҳалла фаолиятини самарадорлигини янада оширишга қўмақлашди, — дейди семинар иштирокчиси, Яшнобод туманидаги Истиқлол маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мафтуна Шойсолова. — Ўқув жараёнида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар моҳияти, бу жараёнда маҳалланинг ўрни ва ролига оид тушуنчаларга эга бўлди.

Бу каби чора-тадбирлар жамиятимизда маҳалла институтининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

ЎзА

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

## Меҳнат муҳофазаланган жойда

кайфият ҳам, самарадорлик ҳам юқори бўлади

Инсон — олий хилқат. Уни меҳнатгина юксакликка кўтаради. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар айнан инсон омилни кучайтиришга, унинг манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид кўрилатган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса жамиятнинг демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ажралмас қисмидир.

Касаба уюшмалари ҳар бир жамоада меҳнат фаолияти билан боғлиқ юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланиши олдини олишга иш берувчилар ва ходимлар эътиборини кучайтириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан давлат ва жамоат назоратини олиб боришда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаб, муаммоларни жойида ўргатган ҳолда, тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият юритмоқда.

Ишловчи аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа бўлиб, айнан шунга кўра, Бош келишув асосида «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015—2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда Федерация Кенгаши, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федера-

цияси қошида «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015—2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» доирасида мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектлари мутахассисларидан иборат Идоралараро ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда.

Ишчи гуруҳ ўтган давр мобайнида меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиб, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилиб, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланди.

ри реестри шакллантирилди. Тармок ва ҳудудларда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти тизимли йўлга қўйилди.

Ҳўжалик субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар йили «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўриктанлови» ўтказиб келинмоқда. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича совриндорлар Федерация Кенгашининг совғалари билан тақдирланипти.

2.

### Бахтиёр болалар мамлакат

Яхши тарбия олиб, эътибор оғушида улғайган бола жисмонан соғлом, маънан баркамол, кўп ишларга қодир бўлади. Айнан шунга кўра, ҳур юрт мусаффо ҳавосидан нафас олиб, дориламон кунлар шукронаси билан яшайётган инсонлар келажагимиз эгаси, эртанги кун бўндқорлари бўлган ўғил-қизларимизнинг соғлиги, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

Бўстонлик туманида жойлашган «Зангори олов» оромгоҳида болаларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароит муҳайё қилинган. 3000 дан ортиқ китоб фондига эга кутубхона, замон талаблари даражасида жиҳозланган тиббий хонаси, ёзги кинотеатр, бассейн ҳамда спорт майдончалари болалар хизматига. Ўғил-қизларнинг истаги ва қобилиятини келиб чиққан ҳолда шахмат, шашка, футбол, стол тенниси, мохир кўллар,

## Таътил шуқуҳи

инглиз тили, рассомчилик, бичиш-тиқиш тўғараклари ва компютер хонаси фаолият кўрсатмоқда.

— Бу йилги мавсумга катта масъулият билан тайёргарлик кўрдик, — дейди оромгоҳ бошлиғи, олий то-

ифали ўқитувчи Анна Логинова. — Ҳар бир кун завқли ўтиши учун қатор қизиқарли тадбирлар белгиланган. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Тоғ ён бағрида дам олишнинг гашти бошқача бўлар экан, — дейди

Бир сўз билан айтганда, тўрт навбатнинг ҳар бирида 360 нафардан бола дам оладиган оромгоҳда ёзги таътил мароқли ва сермазмун ўтмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги Урганч туманида жойлашган «Нурли замин ёшлари» болалар соғломлаштириш маскани эса Хоразмдаги энг хушманзара ва сўлим оромгоҳлардан биридир.

Оромгоҳ уч навбатда 300 нафар ўқувчини ўз бағрига олди. Уларнинг интеллектуал, ижодий ва жисмоний салоҳиятини ривожлантириш, рағбатлантириш мақсадида кўплаб тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

4.

### Олимпиада — 2016

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб борган Ўзбекистон спорт делегацияси шарафига Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.



## Ўзбекистон байроғи кўтарилди

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари, Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси ҳамда Рио-де-Жанейро шаҳри маъмурияти вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган.

Байрамона руҳда ташкил этилган маросимда Олимпия шаҳарчаси мэри, баскетбол бўйича Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони бўлган Жанет дус Сантуш Арканин Ўзбекистон спорт делегациясини XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этаётгани билан табриқлаб, спортчиларимизга бўлажак мусобақаларда омад тилади.

— Давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тадбир ёрқин воқеа бўлди, — дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун бор кучимиз, имкониятимизни ишга соламыз.

— Бугунги тадбир қалбимизда озод ва обод Ватанимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни, фахр ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди. Биз тўрт йилликнинг энг йирик спорт байрамида Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён этишга астойдил бел боғлаганмиз, — дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони совриндори Элмурод Тасмуродов. — Ниятимиз, XXXI ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини янада улғуллаб, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамини муносиб совға билан кутиб олишдир.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва канозда эшак эшиш, бокс, дзюдо, энгил ва оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича ўтказиладиган беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎзА мухбири

# Меҳнат муҳофазаланган жойда

## кайфият ҳам, самарадорлик ҳам юқори бўлади

«(1).

Бутунжаҳон меҳнати муҳофазаси қилиш кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида қамраб олди ва уни ижтимоий ҳамкорлик билан ўтказиш аниқлаштирилди. Касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси ва шароитлари, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқарув органлари иштирокида корхона, ташкилот ва муассасаларда юзага келган долзарб масалаларни ўрганиб, тегишли тавсиялар тайёрлапти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкор ташкилотлар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ёнғин хавфсизлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва бошқа манфаатдор идоралар мутахассислари билан технологик резервуар парклари, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш корхоналари, компрессор станциялари, ташкилот ва акциядорлик компанияларида хавфсизликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди.

Объектларнинг хавфсиз фаолият кўрсатишида ёнғиндан автоматик тарзда муҳофазаланиш бўйича нормаларда назарда тутилган талабларнинг тўлиқ бажарилишига эътибор қаратилди. Ёнғин хавфсизлиги тадбирларини таъминлашда ҳамкорлик қилишнинг аниқлаштирилган талабларини бажарилиши ҳамда ташқи ва ички ўт ўчириш тизимларининг қурилиш нормалари ва қондаларига, давлат стандартларига мувофиқ таъминланганлиги ҳолати ўрганилди.

Жойларда ўқув машғулотлар ташкил этилиб, ёнғин чиққанда объектга ўт ўчирувчилар қисмининг ўз вақтида етиб келиши имкониятлари алоҳида ургу берилди. Ёнғинга қарши сува ва электр таъминоти, алоқа ва сигнализация тармоқлари билан таъминланганлик масаласи мутахассислар эътиборида бўлди.

Кимё саноати корхоналаридаги мавжуд меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказилиши ҳолатини танлов асосида ўрганишда Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Меҳнат вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, «Ўзкимёсаноат» АЖ мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тuzилиб, унга Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги санитария, гигиена ва касб касалликларини институти соҳа мутахассислари жалб этилди.

Кимё саноати корхоналарининг ўта зарари ва оғир шароитларда ишловчи ходимларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши билан боғлиқ бир қанча муаммолар жойда ҳал этилиб, 300 га яқин ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Шунингдек, ижтимоий ҳамкорлар билан «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ва донни қабул қилиш шохобчаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳолати, содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар сабаблари танлов асосида ўрганиб чиқилди.

Аспирация тизимининг нормал ишламаслиги, яъни чанг миқдори кўпайиши, ҳаво ҳароратининг нормал тарзда сақланмаслиги, чангланши билан боғлиқ ҳолатлар касб касалликларини келтириб чиқариши инобатда олиниб, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар вақтида сут маҳсулотлари билан таъминланиши, махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларидан (респиратор) фойдаланиши, даврий тиббий кўриклар талаб даражасида ўтказилиши ҳамда корхоналарда ўз мuddатида технология чора-тадбирлар белгиланиши бўйича тавсиялар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни сифатли ва самарали текшириш, техникавий ва ташкилий сабабларни аниқлашнинг кўрсатиши, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини мукамал ишлаб чиқариб, ижроси таъминланишига эришиш, пировард натижада эҳтимол тутилган бахтсиз ҳодисалар олдини олиш мақсадидан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида қўлланиладиган идоравий ҳужжат тайёрланди ва «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида хабардор этиш ва махсус текшириш комиссияси ишида касаба уюшмалари вакилларини белгилаш тўғрисида»ги раёсат қарори билан қўйидаги ҳужжатлар тасдиқланди: касаба уюшмаларига аъзо ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш комиссияси ишида иштирок этишида касаба уюшмалари меҳнатни муҳофазаси қилиш йўналиши мутахассисларига услубий қўлланма; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида хабардор этиш тартиби; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш комиссияси ишида касаба уюшмалари вакилларини белгилаш тартиби;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги меҳнатни муҳофазаси қилиш йўналишида фаолият юритаётган ходимлар бахтсиз ҳодиса ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш шакли ва мuddатлари.

Мазкур ҳужжатнинг касаба уюшмалари тизимида амалда қўлланилиши меҳнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолатини, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини муфассал таҳлил қилиш имконини яратмоқда. Яна бир эътиборли томони шундан иборатки, жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофазаси қилишга қаратилган битимларида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ миқдори йилга 1,5 баробарга ортиб бормоқда.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар фаолиятининг самарали ташкил этилиши иш берувчилар томонидан ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратишида муҳим ўрин тутмоқда.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича сайланган вакилларнинг малакасини ошириш бўйича Намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилгани ҳамда Республика кенгаши ва ҳудудий бирлашмаларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлиmlари томонидан жойларда вакиллар ўқуви ташкил этилгани ҳам аниқ мuddао бўлмоқда. Бугунги кунгача 135 та туман ва 4 та шаҳардаги 10 885 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари ўқитилди.

Бошланғич ташкилотлар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг фаол сайёҳаракатлари натижасида корхона ва ташкилотларда янги ишга кирган ходимлар билан йўриқномалар ўтиш тартиби белгиланишига, алоҳида цех ва бўлимларда ўқитиш хоналари соҳага оид махсус ўқув қўлланмалари билан жиҳозланиб, ўқув дастурлари ишлаб чиқилишига эришилди.

Республикадаги фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида «Фермер хўжалиқларида меҳнатни муҳофазаси қилиш» мавзусида ўқув-семинарлари ўтказилди. Натижада, 161 та туман, шаҳарларда 41 568 нафар фермер хўжалиқлари раҳ-

барлари соҳага оид билимлардан бохабар бўлишди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман таққиланган, меҳнат шароити ноқулай бўлган корхоналарда касаба уюшмалари мониторингини тизимли ташкил этилди. Хавфли ишлаб чиқариш объектларида фаолият юритаётган аёллар учун ёнғинроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда «Аёл оиланинг, жамиятнинг ишончи ва таянчидир» мавзусида 100 дан ортиқ тренинглари ташкил қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ўқув марказида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан давлат ва жамоат текшириш ҳамда назоратни амалга оширувчи Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизими, «Саноатгеоконтехназорат» ва «Ўздавэнегронозорат» давлат инспекциялари ходимларининг биргаликда малакаси оширилди.

Ўқув якуни бўйича «Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги талаблари ижроси устидан давлат ҳамда жамоат назорати ва текширувнинг замонавий услублари» мавзусидаги курсни ўтганлигига далolat сифатида сертификатлар топширилиши йўлга қўйилди.

Ижтимоий шерикликдаги тадбирлар, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиш, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларни аниқлаш уларни ечиш бўйича маъмулавий ва мақсадли дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ақиндан ёрдам беради.

Муҳими, сайёҳаракатлар натижасида бахтсиз ҳодисалар ва уларда жабрланганлар сони йилдан-йилга камайиши кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси тизимида ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш борасида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдаланиш қазилма конлари ва маздан намоён бўлган жойлар аниқланган бўлиб, мавжуд қазилма бойликлари ўзлаштириш, минерал хомашёни қазиб олиш, уни қайта ишлаш борасида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарида хизмат қилаётган минглаб ишчи ва хизматчиларнинг соғлигини сақлаш, касбий ва умумий касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бирламчи ва асосий вазифа десак, асло муволаб бўлмайди.

Мустақиллигининг дастлабки йил-

лариданоқ Президентимизнинг фармонлари асосида Нефть-газ саноати концерни барпо этилган бўлиб, шу давр мобайнида «Зеварди», «Ўртабулоқ», «Денгизкўл», «Помук», «Култук», «Шўртан», «Кўкдумалоқ» каби 100 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилиб, фойдаланишга топширилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам газ саноати вужудга келди, «Устюртгаз» газ конлари бошқармаси ташкил этилди. Сўнгги йилларда Орол бўйларига бир қанча истиқболли газ конлари очилди ва уларнинг аксарияти ҳозирги кунда фаолият кўрсатмоқда.

Устюрт минтақасидаги «Сурғил», «Шимол» ва Шарқий Бердах», «Арслон», «Ином» каби конлардан қазиб олинаётган табиий газ захираларини қайта ишлаш ва улардан кенг миқдосда халқ хўжалиқ маҳсулотларини олиш мақсадидан, 2015 йилда «Устюрт газ кимё мажмуаси» ишга туширилди. Натижада, Қорақалпоғистон Республикасида саккиз мингдан ортиқ киши иш билан таъминланди ва аниқ вақтда қазиб олинаётган табиий газ ва конденсатни қайта ишлаш ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқишга кенг имконият юзага келди.

Семинарда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси таркибидagi компания, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан 126 мингдан ортиқ ходимлар ҳаёти ва саломатлиги устуворлиги таъминланганлигига эътибор қаратилиб, ишлаб чиқариш объектларида яратилган меҳнат шароитлари, ходимлар саломатлиги йўлида амалга оширилган ишларга муносиб баҳо берилди. Хусусан, мураккаб чўл шароитида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларга махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари, уч маҳал иссиқ оғвак, барча қулайликларга эга бўлган, замонавий жиҳозланган ётоқ вагон-уйлари, маърифий-маънавият бурчакларининг ташкил этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Ўзбекнефтгаз» МХК билан Нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2016 — 2018 йиллар учун тармоқ-тариф келишув имзоланиб, 217 та корхона жамоа шартномалари билан қамраб олинган ҳам мавжуд масалаларни келиштирилган ҳолда хал қилиш имконини бермоқда.

«Ўзбекнефтгаз» МХК тизим корхоналарининг касаба уюшмаларида аниқ пайтда 1 минг 400 дан ортиқ меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар фаолият юритмоқда.

Ишлаб чиқариш объектларида юзага келиши эҳтимол тутилган таҳликаларни аниқлаш, уларни зудлик билан хавфсиз ҳолатга келтириш, келгусида ишлаб чиқаришдаги ҳар хил нохушликларнинг олдини олиш мақсадидан доимий фаолият юритувчи комиссия томонидан жорий йилда 2 387 та текширув ўтказилиб, барчаси хавфсиз ҳолатга келтирилиб, нохушликлар олди олинишига эришилди.

Корхоналарда касаба уюшмалари билан ҳамкорликда меҳнатни муҳофазаси қилишга доир тарғибот-ташвиқот ишларининг доимий олиб борилиши йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида ишчи-хизматчилар билан 2 288 та йиғилишлар ўтказилиб, уларда меҳнат муҳофазасига оид саволлар муҳофазаси қилинди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш объектларида саноат, ёнғин, фавора хавфсизликлари бўйича 9 мингдан зиёд назорат ва назорат-ўқув машқули ўтказилиб, ишловчиларнинг фавқулодда ҳолатларга тайёргарликлари кўридан ўтказилди.


Амалга оширилган ишларнинг барчаси, ишлаб чиқаришда фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда, биринчи навбатда, ишловчилар ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, фавқулодда ҳолатларни тез ва таллафотларсиз бартараф этишга қаратилган.

**Нодира КАРИМОВА,**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири**

Ким эдигу ким бўлдик?

Мамлакатимиз Президенти «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан гоёт қисқа даврда амалга оширилган асрларга тенг ижобий ўзгаришлар ҳақида баътафсил тўхталиб ўтилган. Дарҳақиқат, буни ҳар бир соҳа ёки тармоқда, қолаверса, ҳар бир оила мисолида кўриш мумкин.

## Тилаклар рўёби



Ўзим қишлоқ фарзандиман. Бухоро вилояти Олот туманида туғилганман. Дастлаб қишлоғимиздаги дастлаб, кўрмисиз мактабда ўқидим. Ёзда чанг-тўзон, қишда лойга ботиб дарсга борардик. Синфхоналаримиз совуқ, тойдан чакка томиб турардик. Шароит йўқлиги туфайли жисмоний тарбия дарси синфда ўтиларди. Шулар ҳақида ҳозирда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган мактаб ва коллежларда таҳсил олаётган невараларимга гапириб берсам, улар сира ишонмайди. Ҳатто тасаввур ҳам қилишолмайди...

Шўқри, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, халқимиз ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Қарға қараманг, орзулар рўёбига кўзингиз тушади. Мана, ўзимдан қиёс. Олий маълумотли бўлиб, изланиларим самарасида техника фанлари номзоди, доцент бўлдим. Аниқ пайтда ўриндошлик асосида Бухоро муҳандислик-технология институтида бўлажак малакали мутахассисларга нефть ва газ йўналишида сабоқ бериб келаяпман. Турмуш ўртоғим, шифокор Дилбар Раҳматова билан 3 ўғил ва 2 қизни тарбиялаб воғна етказдик. Уларнинг юрт равнақи ва эл фаровонлиги йўлида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишаётганидан фахрланамиз.

12 йилки, Бухородаги йирик ташкилотлардан бири — «Нефтгазқурилишгаз» АЖ касаба уюшма кўмитаси раисиман. Корхонамиз «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК таркибидagi қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи жамоалар ўртасида ўзига хос мактега эга. Ишлаб чиқаришда йил сайин ижобий натижаларга эришиб келаяпмиз.

Зафарларимизнинг асосий пойдевори — маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик натижаси, деб биланман. Муҳими, жамоада касаба уюшма аъзолари йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2004 йилда улар 1413 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда 1858 нафарга етди. Уларнинг қарийб 750 нафари ёшлардир.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, манфаатдорлигини ошириш, фарзандларига гамхўрликни кўчатириш чоралари ҳамиша эътиборимизда. Кези келганда, амалдаги 2016 — 2018 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасида ходимлар учун белгиланган имтиёзлар доираси анчайин кенгайтирилганлигини таъкидлашни истардим.

Мустақиллик шарофати билан ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш тобора жадаллашмоқда. Бу эса жамоада белгиланган режаларнинг ошириб бажарилиши билан бирга, кадрлар малакасининг юқори бўлишини ҳам тақозо этмоқда. Шу жиҳатлар инобатга олиниб, ходимлар касб салоҳиятини ошириш, иш ўринларини аттестациядан ўтказишга жиддий ёндашилмоқда, улар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя ва санитария-гигиена воситалари билан таъминланди. Мунтазам равишда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қондаларига амал қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!» Бутун фаолиятимиз ана шу шior замирига қурилган. Улуг байрам арафасида ходимларимиз билан бир қаторда, жамоамизга хизмати сингган меҳнат фахрийлари, ишламайдиган ногиронлар ва эҳтиёжманд оилаларни ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўраяпмиз. Тасарруфимиздаги «Мовий гулхан» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида тизим ходимлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 850 нафар фарзандини соғломлаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Яна бир жиҳат. Хушхаво ва сўлим гўшада соҳа ходимлари учун бунёд этилаётган 100 ўринли соғломлаштириш марказида 10 млрд. сўмликдан ортиқ иш бажарилиши. Барча қулайликка эга ушбу иншоот фойдаланишга топширилиши билан ходимлар саломатлигини муҳофазаси қилиш борасида яна бир дадил қадам ташланади.

Пировардида айтмоқчиманки, истиқлол туфайли эришилган тинчлик ва фаровонликка, нурули истиқболга фақат шукроналик, аҳиллик, ҳалол меҳнат, мақсадлар рўёби билан жавоб берсак, инсоний бурчимизни бажарган бўламиз.

**Даврон РАХМАТОВ,**  
**Бухоро «Нефтгазқурилишгаз» акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси**

Фаолият

## Манфаат устувор

Транспорт ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Фарғона вилоят бирлашган касаба уюшма кўмитаси тизимида бугунги кунда 316 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда 45388 нафардан зиёд касаба уюшма аъзолари манфаати ҳимоя қилинмоқда.

Ўтган йил давомида 283 та корхона ва ташкилотда 2014-2016-2018 йиллар учун жамоа шартномалари тuzилди. Уларда кўзда тутилган имтиёзлар ҳисобига 2015 йил якуни бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ишчи-ҳодимга сарфланган маблағ 2 млн. 68 минг сўмни ташкил этди. «Кувасойцемент», «Кувасойкварц», «Кувасойшифер» АЖлар,

қурилиш корхоналари, автокорхона, йўл хўжалиги ҳамда тармоқ тизимида янги қабул қилинган нодавлат сектор ташкилотларида 375 нафар ишчи-ҳодим қайта ўқитилиб, малакаси оширилди. Ўттиздан ортиқ фуқаро меҳнат биржалари кўмагида тармоқ корхоналарига ишга жойлашди. Жамоа шартнома ва келишув-

лари орқали «Соғлом она ва бола йили» дастури ижроси юзасидан қатор ибратли ишлар амалга оширилди. 40 та корхонада эҳтиёжманд оила вакилларидан 277 нафарига 56 млн. 778 минг сўм, шундан касаба уюшма бюджетидан 8 млн. 147 минг сўм моддий ёрдам пуллари берилди. 41 та корхонада фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тулгунга қадар бўлган 102 нафар ёш онага маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан моддий кўмак кўрсатилди. 4 та корхонада 6 нафар янги оила қурган ёшларга фойсиз ссудалар ажратилди. Нодавлат мулк шаклидаги

корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайди қилиб белгиланган. Шунингдек, 6 та корхонада олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар контракт пуллари билан бир қисми тўлаб берилди. Бундан ташқари, давлолаш соғломлаштириш марказида 35 нафар кекса ходим бепул даволанди. Айтиш жоизки, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзандларини дам олдириш масаласи эътибордан четда қолмади. Йил давомида 71 нафар ишчи-ҳодим турли сийхатгоҳларда

соғлигини мустаҳкамлади.

Тармоқ ишчи-ҳодимлари, ёшлар ҳамда меҳнат фахрийларининг тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилди.

Вилоят бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан 72 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тuzилиб, уларда меҳнат қилаётган 1456 нафар ишловчи касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимлардан меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи тўланиши, меҳнат шартномалари бекор қилиниши, моддий ёрдам ва сийхатгоҳга йўлланма ажратиш юзасидан 17 та ёзма ва оғзаки мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилди.

**Акmalжон УСМОНОВ,**  
**бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси**



# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Реклама ўрнида

## Қулай ишбилармонлик муҳити — иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам асоси



Сўнгги 5 йил ичида республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга ажратилган кредитлар ҳажми 3,4 баравар ўсиб, 30 трлн. сўмга яқин маблағни ташкил этди. Изили оқори ўсиш суръатлари, молия-банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг амалий натижаларини бирма-бир сарҳисоб қилар эканмиз, бу жараёнда банк-молия муассасалари фаолияти иқтисодий ривожланишнинг асосий таянчи эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Юртимизда фаолият кўрсатаётган йирик молия муассасаларидан бири «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳам бундай муваффақиятлардаги ҳиссаси тобора ортаёттир. Универсал банк сифатида аҳолига кенг қўлама банк хизматларини тақдим этар экан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳалари шиддат билан ривожланиб боришида ушбу банк сармояларнинг ўрни алоҳида.

Ҳозирда иқтисодиётимизнинг ҳаракатланувчи таянч бўлинишидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республика иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб, тармоқлар ривожига ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда алоҳида қайд этиш мумкинки, бугун мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қaratилмоқда. Мустаҳкам молиявий таянчга эга ишбилармонлар эндиликда нафақат ички бозорни, балки экспортга йўналтирилаётган товарлар бозорини ҳам тўлдириб бораёпти.

Мамлакатимиз истеъмол бозорига эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий сектор вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётгани, айниқса, уларнинг асқарияти рақобатбардош, жаҳон андозаларига жавоб бериши иқтисодий кўрсаткичларимиз юксалиб бораётганидан дарак. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу соҳа тараққиёти учун Ипотека-банк томонидан, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра кўра, 595,5 млрд. сўм микдорида сармоя ажратилган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар 128,8 млрд. сўмини ташкил этмоқда. Худудлар-

да иқтисодий ўсиш суръатларини юксалтириш, ривожланишда ижтимоий барқарорликка эришиш, қолаверса, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш

галдаги муҳим вазифалардан. Оилавий тадбиркорликни шакллантириш, миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш миллий менталитетимизга хослигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис, мазкур соҳа янада такомиллашуви учун банк томонидан,

жорий йилнинг олти ойи якунига кўра, 7,3 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга эса 102,4 млрд. сўм йўналтирилди.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг юксалиши турмушимиз фаровонлашуви билан даракдир. Тад-

### ЭЪТИРОФ

Тадбиркорлик чегара билмайди. У иштиёқ ва умид билан шаклланади. Барчамизга маълумки, мустақиллик йилларида ишбилармонликка кенг йўл очилди. Мен ҳам анчадан бундан ўзимни бошлашни ният қилиб юрардим. Аввало, ички бозор имкониятларини, талабини яхши ўргандим. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда чорва моллари учун дори воситалари ишлаб чиқаришга мослашган корхона очибгина муваффақ бўлдим. Ушбу маҳсулот шу пайтга қадар чет давлатлардан катта маблағ эвазига олиб келинар эди.

Ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш баробарида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун юзлаб янги иш ўринлари очиб бериш эришдик. Бунда эса яқин ҳамкоримиз — «Ипотека-банк» сармояларининг ўрни бекхёс. Маҳсулотларимиз арзонлиги боис маҳаллий аҳоли орасида унга талаб нҳоятда юқори. Харидорлар кўп.

Соҳада тажрибамиз, иштиёқимиз, бизнес-режамиз, ўзига хос лойиҳаларимиз бор. Ипотека-банкнинг Самарқанд вилояти филиали бизни бу борада доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биргина ўтган йили берган маддадини айтиб ўтсак. Хомашё сотиб олиш мақсадида банкдан кўмак сўрадик. Лойиҳамизни қўриб чиққан, банк 3 млрд. сўмлик кредит ажратди. Натижада, маҳсулотларимизни харидорларга доимий етказиб бериш, шунинг баробарида янги иш ўринлари очибгина муваффақ бўлдик. 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Биргина ўтган йил давомида 300 минг АҚШ доллари микдорида маҳсулот тайёрлаб, экспорт қилдик.

Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Қўллаб янги иш ўринлари яратмоқчимиз. Уларга коллеж битирувчиларини жалб этамиз. Ана шу эзгу ниятларимиз ушалоқда яқин ҳамкоримиз Ипотека-банка сўянаман.

**Рустам ҲАЛИМОВ,**  
Самарқанд вилоятидаги «Uzbekombinat» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида 2014 йилда молиявий кўмак сўраб Ипотека-банкнинг Меҳнат филиалига мурожаат қилдик.

Корхонамизда олтингургут хомашёсини қайта ишлаб, кимёвий воситалар ҳолида экинларга ишлов бериш мақсадида фойдаланиладиган ўғитлар ишлаб чиқарилади. Мазкур фаолият нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда биринчи бўлиб йўлга қўйилган.

Маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сезилди. Импорт ўрнини босувчи ҳамда экспорт бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган лойиҳамиз банк томонидан қўллаб-қувватланди. 2016 йил апрел ойида банкдан 1 млрд. сўмга яқин кредит олишга муваффақ бўлдик. Ушбу маблағлар эвазига фаолиятимизни янада такомиллаштириб, корхона учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олдик. Ҳозирда маҳсулотларимизнинг асосий қисмини Украина, Туркия, Қирғизистон, БАА каби давлатларга экспорт қилишга муваффақ бўлмоқдамиз. Натижада, иш самардорлиги янада ортиб, қўшимча 5 та иш ўрни яратдик. Жорий йилда мазкур молия муассасасидан яна 700 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқ-

ришни янги босқичга кўтармоқчимиз. Олижажак кредит эвазига фармацевтика маҳсулотларини қадоклаш учун асбоб-ускуналар харид қилишни режалаштиряпмиз. Айни пайтда корхонамизда 2 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, йил якунига қадар маҳсулотларимиз турини яна 3 тага кўпайтирмоқчимиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ипотека-банк билан ўзаро ҳамкорлигимиз туфайли қўйилган натижаларга эришдик.

**Тўлқин АКБАРОВ,**  
Тошкент вилоятидаги «Ўғит савдо» МЧЖ раҳбари

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни кўнглимга тугиб қўйганимда ҳали анча ёш эдим. Дастлаб бир неча кишидан иборат гуруҳимиз билан болалар учун ётоқ мебеллари, сандиқ, ошхона мебелларини ишлаб чиқарар эдик. Маҳсулотнинг сифати бир кишига боғлиқ эмас, ҳам-жихат бўлиб бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилинсагина мақсадга етиш мумкин. 2014 йил октябр ойида Ипотека-банкнинг Қўқсарой филиалига мурожаат қилиб, 40 млн. сўм микдорида сармоя олдик. Иш фаолиятимиз кенгайиб бориши билан бирга сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Соҳада орттирган тажрибаларимиз самараси ўлароқ, маҳсулотларимиз шиддат билан ички бозорларимизни эгаллаб бошладик. Эҳтиёж кўпаётган сари, иш қўламини кенгайтириш мақсадида банкка яна молиявий кўмак сўраб мурожаат қилдик. Бизнес лойиҳамиз ижобий баҳоланди. Натижада, юмшоқ мебелларнинг, хусусан, тиббиётга хос мебелларнинг ҳам бир неча турини тайёрлашга ихтисослашган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга муваффақ бўлдик. Ҳозирда бир кеча-кундузда 4,5-5 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаб бераётган ишчиларимизнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади.

Кувонч билан шуни айта оламаники, ҳозирда харидорлик маҳсулотларимизга талаб кўн сайин ортиб бормоқда. Бу сифат ва нарх ўйинлиги самарасидир. Биз каби эзгу мақсадларни дилига ҳо қилган тадбиркорларнинг давлатимиз, қолаверса, молия муассасалари томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганини қўриб, кўнглимизда эртанги кунга бўлган ишонч юксалаверади.

**Бекшод МАМАТОВ,**  
«Бекшод Мебел» кичик корхонаси раҳбари

**Мижоз эътирофи — фаолиятнинг асосий кўрсаткичидир. Банк жамоаси ҳам бунга яқин билган ҳолда мижозлар манфаатини қўллаб иш тутганди. Шу боис ҳам тадбиркорларнинг ишида унум ва барака бор. Энг муҳими, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар, ажратилаётган сармоялар жойларда, айниқса, қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўз сармоялари ва хизматлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.**



№ (1).

— Педагог-тарбиячи, етакчи, тўғарақ раҳбарлари бир жамоа бўлиб, болалар дунёқарашини шаклланишига муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди **оромгоҳ раҳбари Бекпўлат Нуруллаев**. — Нодира Сатторова, Мехрибон Дурдибеова каби тарбиячилар, Анахон Раҳимова, Сайёра Ҳайтова каби етакчиларнинг жонбозликлари алоҳида таъкидлашни истардим.

— Туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази, вилоят кўғирноқ театри билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирлар, викториналар нҳоятда қизиқарли кечди. Оромгоҳ малikasi ва шахзодаси танловларини ташкил қилдик. Мушоира кечалари уюштирдик, — дейди бош етакчи **Мадина Қосимова**.

Эл суйган санъаткорлар, ўз касбининг фидойилари билан учрашув-

лар, эстрада хонандаларининг ташкифи болалар қувончига қувонч қўшапти.

Гулдиёра Хивадаги 4-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси. Бу йил у тумандаги «Алломиш» номли болалар оромгоҳида тенгқурлари билан мароқли дам олди.

— Оромгоҳ менга жуда ёқди, — дейди Г.Эгамберганова. — Ҳар кун бир қатор тўғарақ машғулотларида иштирок этамиз. Турли ўйинлар, давра суҳбатларида қатнашамиз. Хуллас, эрикишга вақт йўқ.

Ҳа, «Алломиш» оромгоҳи Гулдиёра каби қалби орзуларга лиммо-лим ўғил-қизлар билан гавжум. Ҳозир тўртинчи навбатда яна 200 болажон хордиқ чиқармоқда.


— Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши фаолиятимизни самарали ташкил қилишимиз учун мунтазам равишда кўмаклашмоқда. Тадбир ва

кечаларни имкон даражасида қизиқарли ўтказишга ҳаракат қилияпмиз, — дейди **оромгоҳ бошлиғи Гулнара Раҳимова**. — Болажонлар давлатимиз томонидан ўзларига кўрсатилаётган меҳрини, ғамхўрликни теран ҳис қилишнинг, келажакда юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб қамолга етишини истаймиз.

Дарҳақиқат, оромгоҳда ташкил этилган қатор танловлар, шеърхонлик, китобхонлик беллашувлари, «Ким эпчилу ким чакқон?», шахмат, шашка, футбол мусобақалари барчада катта таассурот қолдирди. 2000 дан зиёд бадиий адабиёт жамланган кутубхона болалар ихтиёрида.

— Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб адабий-бадиий кеча ташкил қилдик. Унда Ватан озодлиги йўлида курашган инсонлар ҳаёти, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида сўз борди. Болажонлар ўзларининг

## Таътил шуккуҳи



билимли, зукко, иқтидорли эканликларини яна бир бор намоён қилди, — дейди бош етакчи **Назокат Исмоилова**.

Оромгоҳда ёш мусаввирлар, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, инглиз тили, ёш ўлкашунослар ва спорт тўғарақлари фаолият олиб бормоқда. Тарбиячилар Дилноза Худойберганова, Гулбаҳор Жуманиёзова, Саодатжон Салаева ўқувчилар маслаҳатгўйи, дўсти, опасига айланган.

Бу йил Хоразм вилоятида 31 та оромгоҳ фаолият олиб бормоқда. Уларда қуёшли замин болалари мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилиб, белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Айнан шунинг учун ҳам ўғил-қизларнинг ҳар бир кунги мароқли кечмоқда.

Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидоги «Хонжиза» оромгоҳи ҳам ўзининг мафтункорлиги билан ажралиб туради.

— Бир йўла 270 нафр боллага мўлжалланган 4 та ётоқхона, ёнги клуб, чўмилиш ҳавзаси, ошхона, ювенил хонаси, кутубхона, дам олиш павилонлари, маънавият ва маърифат хонаси, кичик футбол майдони, баскетбол, волейбол, рақс ўйингоҳи замонавий андозалар асосида туддан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мана, икки йилдирки, бу ерда вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларидан келган болалар дам оляпти. Улар учун барча шарт-шароит мухайё этилган,

— дейди **оромгоҳ раҳбари Раҳматилло Соҳибов**. — Ижодий учрашувлар, адабий кечалар болаларда бир олам таассурот қолдиряпти. «Ўзбекистон менинг Ватаним», «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», тарбиячи ва етакчилар беллашуви, шеърят, рақс кечалари, «Зуққолар» мусобақалари ўғил-қизлар зеҳнини чарқлатяпти.

— «Термиз» халқаро аэропорти ишчи-ходимларининг фарзандлари бир неча йилдан бундан ёнги таътилни Олтинсой туманидаги «Ваҳшивор» оромгоҳида мароқли ўтказишади, — дейди **«Термиз» халқаро аэропорти касба уюшма ташкилоти раиси Зиёвуддин Нажмидинов**. — Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва ҳомийлар томонидан қайта таъмирланиб, барча қулайликлар яратилган масканга асли касби педагог бўлган Абдувоси Каримов раҳбарлик қилади.

Кичиктойлар турли тўғарақларда шуғулланиш билан бирга, спортнинг стол тенниси, мини-футбол турлари бўйича мусобақаларда иштирок этаёттир. Бундан ташқари, мўъжаз кутубхона ёш китобхонлар билан ҳамшира гавжум.

— Бу оромгоҳга учинчи бор келишим, — дейди Муаззама Самижоновна. — Бичиш-тиқиш, расм чизиш тўғарақларига қатнашган. Компютер соҳасида малакамни оширяпман. Шахмат, шашка хоналарида тенгдошларимиз билан турли мусобақа ва ўйинлар ўтказаяпмиз.

Сўлим масканларда олам-олам таассуротлар, янги-янги дўстлар сафида вақтини чоғ ўтказаятган ўғил-қизларимизга нурли йўлингиз истиқболли, келажакнинг бундан-да порлоқ бўлсин, деймиз.

**Тадбир**

**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ташаббуси билан Фарғона вилоятининг сўлим масканларидан бирида жойлашган «Чимё» сиаҳатгоҳида «Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» ширини остида ташкил этилган байрам шодийнаси барчада яхши таассурот қолдирди.**

**Энг улуғ неъмат**

Учрашувда Санатор-курортлар бошқармаси ўқув марказининг маданият-маърифий ишлар бўлими мудири Махмуда Мурзаева сўзга чиқиб, ўтган чорак аср мобайнида юртимизда мисли қўрилмаган муваффақиятлар қўлга киритилганлигини фخر билан тилиб олди.

— Кеча ким эдик, бугун ким бўлдик? Бу саволга эришган ютуқларимиз, ободлик ва бунёдкорликлар жавобдир. Бунга ҳар бир ақли расо одам қўриб, билиб турибди. Биз шу кунларга етказганига шўр қилиб, Ватанимиз раванқи учун янада фаол меҳнат қилишимиз лозим, — деган фикр учрашув асоси барча фикр-мулоҳазаларнинг қаймоғи бўлди.

— Тўб ўзгарилар турфайли ҳаёти-миз тобора фаровонлашиб бормоқда. Бунини сиаҳатгоҳда яратилган шарт-шароит ҳам тасдиқлаб турибди, — дейди Жиззава вилояти Фалларол туманидан келиб дам оляётган Зулхумор Ҳожиёва.

**Абдулҳалқ ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

**BO'LMILAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
A.Abdullayev  
**Navbatchi:**  
S.Adduralmonov  
**Musahhh:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H.Abdullajilov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.**  
Korxonasi manzili:  
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teritiladi va sahifalandi.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 815. 14176 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taqrirlanib chiqarilgan: 2021.08.04 o'qib olingan. ATIS «Ispiteka bank» yuzbaki filialini, bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKOH: 87100

Boshiga topshirish vaqti — 23:40  
Topshirildi — 00:00

1 3 4 5 6